

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 01

Бухоро шаҳри

11 январь 2022 йил

МЧЖ «Жондор Чашмаси» (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади. Ўзининг устав(низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Тошева М.(вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Бухоблпсихдиспансер (корхона, ташиқлот, муассаса номи), кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади, Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Каримов Т.Э.. (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№ лота	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Творог	Кг	1184	24000	28 416 000
2	Сметана	Кг	304	8500	2 5840 00
	Жами:				31 000 000

1.2.Шартноманинг умумий суммаси: **уттиз бир миллион сум**

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 31 000 000(**уттиз бир миллион**) сўмни ташиқил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори **9 300 000**(туққиз миллион уч юз минг) сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30% фоизини ташиқил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг **январь** ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **21 700 000**(йигирма бир миллион етти юз минг) сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70% фоизини ташиқил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил 31 январгача амалга оширилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул қўчириш йўли билан амалга оширилади.

2.4. Етказиб бериш муддати 2022 йил 31 январгача

3. ТОВАР (МАҲСУЛОТ)НИНГ СИФАТИ

3.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.2. Сотувчи тўпламда яроксиз маҳсулот мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.

3.3. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.4. Ишлаб чиқаришга оид нуқсонлари аниқланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан қафолатли муддат доирасида қайтарилган товар (маҳсулот)лар Сотувчига қайтариб берилиши лозим, бунда Сотувчи уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган ҳолда **3** кун ичида яроксиз товар (маҳсулот)ларни сифатли товар (маҳсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. 2018 йил 15 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2850-2-сон билан руйхатга олинган «Бюджет тизими бюджетларининг Газна ижроси коидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташиқлотларининг

бюджети маблаглари хисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда руйхатга олинishi шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

6.2. Мазкур шартнома 2022 йил 11 январдан 2022 йил 31 декабргача амалда булади.

6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўлади.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ «СОТУВЧИ»

МЧЖ «Жондор Чашмаси»
(ижрочининг номи)
Манзили- Жондор туман
Тел/факс – (94)329-33-33
Р/сч - 20208000404679821003
банк номи- ОАТБ Хамкорбанк ш.Бухоро.
МФО -00966 ИНН 300680452
ОКОНХ 18220

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Бухоро вилоят рухий асаб касалликлар д-ри
(бюджет маблагларини олувчи номи)
Манзили-Бухоро ш. Газли шох кучаси -1
тел\факс – 228-55-89
ш\хв - 100021860064017073201054007
банк номи- Марказий банк Бухоро ш.
МФО 00014 ИНН 201512116
ОКОНХ 91500
Газначилик бўлинмаси номи: Бухоро вил.
Буйича Газначилик бошқармаси
Газна х/в:23402000300100001010
Банк номи:Тошкент шаҳар Марказий
Банк ХККМ
МФО:00014
Газначилик бўлинмаси СТИРи:201122919



Рахбар - Тошева М.
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

ҲУҚУҚШУНОС:

М.Ў.

(имзо)



Рахбар - Каримов Т.Э.

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.Ў.

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилот
ҳуқуқшуносининг Ф.И.О.)